

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЙЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўсимликларни заарли организмлардан ишончли ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6262-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2021 — 2024 йилларда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси йўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси йўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси йўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Вилоятлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4а-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар йўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг тузилмаси 4б-иловага мувофиқ;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги йўсимликлар карантини давлат инспекциясининг хукуклари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро битимлари бўйича хукукий вориси хисобланади.

3. Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

4. Белгилаб қўйилсинки Агентлик бош директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

5. Агентликка қўйидаги вазифалар юклатилсин:

ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш;

тупроқ агрокимёвий таҳлиларини ўтказиш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча турдаги минерал ва микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилиш, тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидағи пестицид, нитрат ва оғир металл тузлари қолдиқларини дала шароитида радиологик-токсикологик таҳлиллардан ўтказиш;

ўсимликлар карантини ва ҳимоясида прогноз тизимини такомиллаштириш, заарли организмларга карши курашнинг уйғунлашган самарали усусларини белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш, иқтисодий заар етказиши мумкин бўлган заарли организмларнинг республика худудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда йўқ қилиш;

ўсимликлар клиникалари ва биолабораториялар тизимини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ўсимликларни ҳимоя қилишининг кимёвий ва биологик воситалари ҳамда минерал ва микробиологик ўғитларнинг биологик самарадорлиги бўйича синовларни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, қишлоқ хўжалигига кимёлаштириш ва биологик воситалардан фойдаланиш соҳасида норматив, регламент ва стандартлар ишлаб чиқиш ҳамда кимёлаштириш ва биологик воситалар реализацияси билан шугулланувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

фитосанитар хавфсизликни таъминлашда илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ривожлантириш, замонавий инновацион ечимлар, режалаштириш ва бошқариш усусларини жорий этиш,

илғор технологиялар ҳамда иш усулларини жорий этишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, соҳада кадрларни тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

6. Агентлик, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва худудий «Агрокимёҳимоя» АЖларни тугатиш бўйича Республика комиссиясининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) тугатилаётган «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги:

чиғиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматини «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушкини камайтириш ҳисобига Агентликка ўтказиш;

тут парвонасига қарши кураш бўйича давлат буюртмасини бериш вазифасини Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига юклаш;

б) Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси негизида Агентликнинг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)ни қайта ташкил этиш;

в) Агентлик тизимида:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидағи Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тизимидағи Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази негизида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Илмий-тадқиқот институти) ва унинг минтақавий филиаллари;

Илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидағи филиаллари;

«Агрокимё станцияси» МЧЖ ва унинг худудий бўлинмалари негизида Республика агрокимёвий таҳлил маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ва унинг худудий бўлинмалари;

«Республика ўқув ишлаб чиқариш биолабораторияси» МЧЖ ва «Республика «Биосифат» марказий лабораторияси» МЧЖ негизида «Биосифат» республика марказини ташкил этиш;

Бунда, «Агрокимё станцияси» МЧЖ ва унинг худудий бўлинмаларининг, «Республика «Биосифат» марказий лабораторияси» МЧЖ ва «Республика ўқув-ишлаб чиқариш биолабораторияси» МЧЖнинг улуси тўлиқ Агентликка ўтказилади;

г) «Агрокимё станцияси» МЧЖ худудий филиалларининг лабораторияларини модернизация қилиш мақсадида сотиб олинган замонавий лаборатория асбоб-ускуналарини худудий «Агрокимёҳимоя» АЖларнинг устав капиталидаги давлат улушкини камайтириш ҳисобига Республика агрокимёвий таҳлил маркази ва унинг худудий бўлинмалари балансига бериш.

7. Белгилансинки:

2021 йил 1 августдан бошлаб Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларига ажратилган хоналарни зарур ташки муҳандислик коммуникациялари ҳамда инфратузилмасига улаш, мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ишлари Жамғарма ҳамда халқаро грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари кўлланилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларини сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Агентликка ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Илмий-тадқиқот институти, Марказ ва «Биосифат» республика маркази давлат муассасаси шаклидаги юридик шахслар ҳисобланади;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари, Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари, «Биосифат» республика маркази, Чигиртка ва тут парвонасига қарши қураш хизматлари республика бюджетидан, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари асосида ажратиладиган грантлар, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун шартномалардан тушум, халқаро молия институтлари грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади;

мазкур қарорнинг 8-бандига мувофиқ ташкил этилган муассасалар ҳукуклари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ушбу муассасалар тузилиши учун асос қилиб олинган ташкилотларнинг ҳукукий вориси ҳисобланади.

9. Қуйидагилар:

а) Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарма маблағлари;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник қўмак воситалари ва грантлари;

қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

импорт ва транзит карантин рухсатномалари, халқаро, ички ва реэкспорт фитосанитария сертификатлари, транспорт бирлигини очиш ва карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилишидан олинадиган тўловлар;

ўсимликларни ҳимоя қилинда кўлланиладиган кимёвий воситалар, минерал ва органик ўғитларни сақлаш, реализация қилишни лицензиялашдан олинадиган тўловлар;

кўрсатилган лаборатория таҳлиллари хизмати учун олинадиган тўловлар;

зарарсизлантириш (фумигация) ишлари ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинадиган тўловлар;

биолабораториялар фаолияти учун бериладиган техник рухсатнома ва биомахсулот сифати бўйича сертификатлар учун олинадиган тўловлар;

кимёвий ва биологик ҳимоя воситаларининг биологик самарадорлиги бўйича ўтказиладиган синовлар учун олинадиган тўловлар;

маъмурий ҳукуқбузарлик учун қонунчилиқка мувофиқ үндириладиган жарималар;

қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари Агентликка юклangan вазифалар ва функцияларни ҳал этиш, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, Агентлик ходимларини моддий рафбатлантириш учун йўналтирилади.

10. Агентлик ва унинг тизимида янгидан ташкил этилаётган ташкилотларнинг штат бирликлари ҳамда бошқа харажатларини қоплашга кўшимча равища талаб этиладиган маблағлар Давлат бюджетининг 2021 йил параметрларида зараркунандаларга қарши қурашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар учун қўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қоплансин.

11. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг яхлит тизими яратилаётганлиги ва ушбу тизимнинг фаолияти биринчи навбатда ўсимликлар зараркунандалари ва касалликлари тарқалишининг олдини олишга қаратилганлигини ҳисобга олиб, зараркунандаларга қарши қурашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 2022 йилдан боштаб Давлат бюджети параметрларида Агентлик учун 50 млрд сўм маблағ қўзда тутилсин.

12. 2021 йилнинг 1 августидан бошлаб Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан Жамғармага келиб тушадиган давлат божи ва йиғими кўринишидаги тушумларнинг 25 фойизидан ортиқ бўлмаган миқдори Агентлик ходимларини моддий рафбатлантириш учун йўналтирилсин.

13. Агентлик бош директорига қуйидаги ҳукуклар берилсин:

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Агентликнинг марказий аппарати ва унинг қўйи ташкилотлари тузилмасига ўзгартришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари, Агентликка идоравий мансуб ташкилотлар низомлари ва тузилмаларини, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг белгиланган сонини тасдиқлаш;

ишилаб чиқариш зарурати ва иш юкламасидан келиб чиқиб Жамғарма маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини жорий этиш;

бўйсунувдаги идораларнинг низомини тасдиқлаш;

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ишга ёллаш.

14. Агентликка, унга юклатилган вазифаларни бажариш учун агродронларни Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси орқали олиб кириш ва Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан улардан фойдаланиш хукуқи берилсин.

Агентлик томонидан зарур хужжатлар тақдим этилган қундан бошлаб Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги уч кун муддатда агродронларни ишга тушириш учун рухсатнома берсин.

15. Агентлик:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказий ва йирик шаҳарларида ҳамда Тошкент шаҳрининг барча туманларида манзарали ва мевали дараҳтлар, буталар ҳамда гулларни заарали организмлардан ҳимоя қилишда алоҳида назоратни амалга оширсин;

бир ой муддатда Республика агрокимёвий таҳдил маркази, Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва Биосифат республика маркази тузилмаларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказий ва йирик шаҳарларида ҳамда Тошкент шаҳрида давлат унитар корхонаси шаклида Манзарали ва мевали дараҳтлар, буталар ва гулларни заарали организмлардан ҳимоя қилиш марказини қўйидаги вазифалар юклатилган холда ташкил этиш чораларини қўрсин;

манзарали ва мевали дараҳтлар, буталар ҳамда гулларни заарали организмлардан ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

манзарали ва мевали дараҳтлар, буталар ҳамда гулларни заарали организмлардан ҳимоя қилиш бўйича препаратлар ҳамда минерал ўғитлар захираларини шакллантирсин.

17. Қўйидагилар:

Агентликнинг марказий аппарати Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77а-й;

Илмий-тадқиқот институти ва Биосифат республика маркази Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 4-й;

Марказ Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 8-й манзиллари бўйича жойлаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Агентлик зиммасига юклатилган назорат механизmlарини такомиллаштириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориши, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Боз вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан хар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 июль,
ПҚ-5185-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 июлдаги
ПҚ-5185-сон қарорига
1-ИЛОВА

2021 — 2024 йилларда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантириш бўйича
«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

T/ р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
I. Давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш				
1.	«Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги ва «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини заараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар меъёрларини қайта кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тегишли қонун лойихаларини киритиши.	Қонун лойихалари	2022 йил январь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия манфаатдор вазирлики, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Ўсимликлар клиникаларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ишлар мониторингини юритиши.	Норматив-хукуқий хужжат лойихаси	2022 йил I чорак	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, манфаатдор вазирлики, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Минерал ўғит ва кимёвий воситалар импорти, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини лицензияланадиган фаолият турлари рўйхатига белгиланган тартибида киритиши.	Қонун лойихаси	2021 йил декабрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар импорти, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини лицензиялаш тартибини ишлаб чиқиш.	Норматив-хукуқий хужжат лойихаси	2022 йил январь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тўғрисидаги низомни; Агентликнинг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.	Норматив-хукуқий хужжат лойихаси	2022 йил январь	Вазирлар Маҳкамаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
II. Хорижий тажриба асосида ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантириш				
6.	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенция котибияти билан ҳамкорликни ривожлантириши.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил октябрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.	Ўзбекистон Республикаси манфаатларидан келиб чиқиб, хорижий давлатларнинг ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича миллий ташкилотлари билан икки томонлама ҳамкорлик келишувлари тузиш.	Халқаро хужжатлар	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
8.	Ўзбекистон Республикасига чегарарадош давлатларнинг ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича миллий ташкилотлари билан биргаликда зарарли организмларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишни тизимли ташкил этиш юзасидан қўшма чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.	Қўшма чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
9.	Ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий воситалардан хавфсиз фойдаланиш тизимини Пестицидларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича халқаро ахлоқ кодексига мувофиқлаштириш чораларини кўриши.	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

10.	Соҳадаги ҳалқаро илғор тажрибалар, илм-фан ютуқлари, инновацион янги технологияларни кўллаш бўйича агроном-инспекторлар малакасини мунтазам ошириб бориш, ривожланган хорижий давлатларнинг шу йўналишдаги тегишли муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021 йил сентябрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
11.	Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларига малакали хорижий ва маҳаллий олимларни жалб қилган ҳолда фермер ва дехқон хўжаликлари вакилларини ўқитиш чораларини кўриш.	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021 йил сентябрь-октябрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
12.	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ҳамда агрокимёвий таҳлил йўналишидаги илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш учун Агентликка хорижий эксперталарни жалб қилиш.	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021 йил октябрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги

III. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида самарадорликни оширишга қаратилган ташкилий ишлар

13.	<p>Ташкилий йигилиш ўтказилиб, масъул вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг вазифалари аниқ белгилash ҳamda Қoraқalpoғiston Respublikasi Vazirlar Kenqashi va viloyatlardar ҳokimliklari tomonidan xuddudlar kessimiда amalga oshiriladigan choratadbirlar dasturi tасdiқlaniшинi taъminlaш.</p> <p>Agentlik:</p> <p>erdan foydalananuvchilar va aҳolisi tomonidan ўsimliklар ҳimояsi vositalarididan belgilangan meъёрлар aсосida kўllaniliшинi nazorat қilsin;</p> <p>fitosanitar, sanitar haffizzik talablariga va reglamentlariга riоя қilmagan, Ўzbekiston Respublikasi қiшлоқ xўjaliqida ўsimlik zaarkunandalari, kasalluklari va begona ўtlarga қarshi foydalaniш учун ruxsat etilgan kimёvий va biologik ҳimoya vositalari, defoliantlar ҳamda ўsimliklар ўsiшинi boshqaruvchi vositalar rўyhatiga kirtilmagan vositalar (kimёvий, biologik, mineral ўғitlar, stimulyatorlar va boshqalalar)ni сотган, kўllagan yuridik va jismoniy shaxslarغا nisbatan tegiшли choralar kўllaш тўғrisida taklif kiritсан;</p> <p>karantin ruxsatnomasi va karantin kўriги dalolatnomasi mavjud bolmagan karantin ostidagi import mahsulotlari respublika xuddidiда aниqlangan taqdirda, ushbu mahsulotlarni import qilgan, saqlagan, realisatsiya қilgan va tashigan yuridik va jismoniy shaxslarغا nisbatan maъmuriy javobgarlik choralarini қўllasim;</p> <p>ўsimliklар clinikalariiga қўyiladigan talablarni ishab chiqsin ҳamda ular tomonidan amalga oshirilgan ishlar monitoringini yuritsin.</p>	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021 йил август	Вазирlар Mахкамasi Ўsimliklар карантини ва ҳimояsi агентлиги, Қiшлоқ xўjaliqи вазirliги, Соғliқni saqlash vazirliги
14.	«Томорқа хизмати» МЧЖлар раҳбар ва мутахассисларини ўсимликлар ҳимояси соҳасидаги билимларини ошириш чораларини кўриш ва ўкув курсларини ўтказиш билан боғлик харажатларни Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш.	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi

15.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4803-сон қарорига мувофиқ, ўсимликлар карантини ва ҳимоясини кучайтириш ҳамда табиий ресурсларни бошқаришни яхшилаш доирасида агрокимёвий таҳлил лабораториялари учун ажратилган 5 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни ўзлаштириш чораларини куриш.</p> <p>Бунда, ажратиладиган маблағлардан 4 730 минг АҚШ доллари Агентлик ва унинг тизимидағи лабораторияларни жиҳозлашга, 540 минг АҚШ доллари фумигация жиҳозлари харид қилишга ва 378 минг АҚШ доллари фумигация лабораториясини ташкил этишга, шунингдек, 152 минг АҚШ доллари мутахассислар малакасини оширишга йўналтириллади.</p>	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021 йил октябрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
16.	Агентликнинг «E-Fitouz» автоматлаштирилган ахборот тизимини Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг электрон хариталар тизимига интеграция қилиш.	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021 йил октябрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Кадастр агентлиги
17.	Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларининг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини куриш.	Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар	2021 йил декабрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
18.	Ўсимликлар карантини чегара масканларини республика ҳудудига олиб кирилаётган карантин остидаги маҳсулотларнинг тури бўйича ихтинослаштириш юзасидан тегишли норматив-хукукий хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-хукукий хужжат лойиҳаси	2021 йил 1 сентябрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
19.	Экспортбоп маҳсулотлар етиштириладиган боғ, токзорлар ва дала майдонлари ҳамда қадоқлаш цехларининг доимий рўйхатини шакллантириш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	Ҳар йили I чорақда	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
20.	Агрокимёвий таҳлил лабораторияси, биолаборатория, ўсимликлар клиникалари ва тупроқ клиникалари фаолиятини амалга ошириш учун уларни зарур бино-иншоотлар билан таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2022 йил январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимларни, Кадастр агентлиги
21.	Агентлик таклифи асосида Ўсимликларни карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университетининг карантин лабораторияларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун 50 млн АҚШ доллари миқдорида грант маблағларини жалб қилиш чораларини куриш ҳамда натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021-2022 йиллар	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар
22.	Хитой Халқ Республикасининг 2,9 млн. АҚШ долларига тенг гранти ҳисобига «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Марказий фитосанитария лабораториясини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида карантин лабораторияси асбоб-ускуналарини Хитой томонидан Ўзбекистонга олиб келиш чораларини куриш.	Битим, амалий чора-тадбирлар	2021 йил IV чорак	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
23.	Фитосанитария назорати соҳасидаги илмий, илмий-техник фаолият натижаларини амалга оширишни давлат томонидан грант ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 йил IV чорак	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги

24.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширувчиларнинг ер майдонларида ҳавфли зааркунанда ва касаллик ўчоқларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши самарали курашиш чораларини белгилаш учун йилига 30 мингдан кам бўлмаган феромон тутқичларни харид қилиш, уларни бепул ўрнатиш ҳамда мониторингни олиб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 йил IV чорак	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
25.	Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатувчи асосий зааркунанда ҳашаротларга қарши комплекс курашиш бўйича «Долзарб ўн беш кунликлар» ва иссиқхоналарда заарли организмлар тарқалишининг олдини олиш бўйича кузги-қишики ва баҳорги агротехник тадбирлар ўтказишни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 йил IV чорак	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
26.	Экин майдон тупроқ таркибида заҳарли кимёвий моддалар (пестицид) таҳлили натижасига кўра экспортбоп маҳсулотларни етиширишда биологик ёки алмашлаб экиш усулини кўллашни рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-хуқуқий ҳужожат лойиҳаси	2021 йил декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
27.	Экин майдонларида заҳарли кимёвий моддалардан (пестицид) фойдаланиш амалиётини кескин қисқартириш, зааркундаларга қарши курашишда энтомофаглардан фойдаланиш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
28.	Ўсимликларни касаллик ва зааркундаларга қарши таъсирчанлигини ошириш имконини берувчи селекция тажрибаларини амалга ошириш лойиҳалари учун давлат грантлари ажратилишини таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
29.	Инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кимёвий воситаларни ҳалқаро талабларга мувофиқ босқичма-босқич уларни ўрнини босувчи воситаларга алмаштириш чораларини кўриш.	Норматив-хуқуқий ҳужожат лойиҳаси	2022 — 2024 йиллар	Соғлиқни саклаш вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
30.	Қишлоқ хўжалиги экинларининг заарли организмларини ривожланиши ва тарқалиши ҳамда агрометеологик прогноз маълумотларни фермер, деҳқон хўжаликларида етказиш тизимини кенг кўламда жорий этиш мақсадида агрометеостанцияларни ўрнатишга қаратилган грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021-2022 йиллар	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Гидрометеорология хизмат маркази
31.	«Далагача тушадиган хизматлар тизими»ни жорий этиш мақсадида агрокимё лаборатория, биолаборатория, ўсимлик клиникалари ва тупроқ клиникаларини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Агробанк» АТБ, Тадбиркорларни кўллаб-куватлаш жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

32.	Ўсимлик зааркунданалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши самарали кураш тизимининг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқиш.	Кўлланма	2021-2022 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги
33.	Республиканинг фитосанитар тозалигини таъминлаш мақсадида ўсимликлар карантини ва ҳимояси инспекторларининг импорт, экспорт, реэкспорт ва реимпорт ҳамда истисно тартиқасида транзит жараёнларидаги иштирокини таъминлаш учун Узбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий хўжжатларга ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш.	Норматив-ҳуқуқий хўжжат лойиҳаси	2022 йил январь	Давлат божхона қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Адлия вазирлиги

IV. Заарли чигирткага қарши кураш усулларини такомиллаштириш

34.	Заарли чигиртка ўчоқларини аниқлаш, уларга қарши самарали кураш тизимининг илмий асосланган механизмларни кўллаш услубиётини ишлаб чиқиш.	Кўлланма	2022 йил 1 июль	Фанлар Академияси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
35.	Хорижий мамлакатлар илғор тажрибасини яқиндан ўрганиш натижасида чигирткага қарши кураш усулларини такомиллаштириш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2022 йил I чорак	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар Академияси
36.	Чегарадош қўшни давлатлар билан заарли чигиртка тарқалишига оид маълумотларни алмашиб тизимини жорий қилиш ва уларнинг ҳужумини олдиндан бартараф қилиш ва уларга қарши кураш юзасидан ҳамкорлик режаларини тузиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

V. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг илм-фан, таъл?м ва ахборо? хизматлари тизимини ривожлантириш

37.	Заарли организмларга қарши курашиш воситалари савдосининг худудлар кесимидағи тенденциясини таҳлилини юритиш ва фитосанитар назорат бўйича мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2022 йил 1 декабрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
38.	Иссиқхоналарда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларини заарли организмлардан ҳимоя қилишининг илмий асосланган усулларини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги
39.	Ўсимликлардаги заарли организмларни аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини белгилашнинг имконини берувчи «Дала ҳимояси ва интерактив хизмат кўрсатиш» электрон мобил дастурини яратиш ва оммага етказиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021-2022 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш агентлиги

VI. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш

40.	Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳамда карантин факультетларини, шунингдек, кафедраларнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини кучайтириш, илмий салоҳиятни ошириш ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021-2022 йиллар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
41.	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг худудлардаги ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус ва Термиз филиалларида ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ўқув курслари ва семинарларини ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021-2022 йиллар	Тошкент ДАУ ва унинг Нукус ва Термиз филиаллари, Андижон агротехнологиялар институти, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти

42.	2021/2022 ўкув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида «Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини» таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021-2022 ўкув йили	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
43.	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси хизмати фаолиятини ривожлантириш мақсадида 500 нафарга яқин хорижий агрономларни жалб қилиб, қишлоқ хўжалиги техникум ва коллежларда ўрта бўғин мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш. Халқаро ва хорижий ташкилотлар базасида соҳа мутахассислари малакасини оширишни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ташки ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

VII. «Биосифат» республика маркази фаолиятини таомиллаштириш

44.	Биолаборатория, биофабрика ва биомарказларда «Техник-паспорт» ҳамда ҳар бир кўпайтириладиган энтомофагларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича «Сифат сертификати» юритилишини жорий қилиш.	Норматив-хуқуқий хўжоят лойиҳаси	2022 йил 1 декабрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
45.	Биомаҳсулотлар етказиб берилиши бўйича ҳудудларнинг мониторингини юритиш учун биолабораториялараро ягона автоматлаштирилган аҳборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021-2022 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, «Биосифат» республика маркази, Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

VIII. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг моддий-техника базасини таомиллаштириш

46.	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларини Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан транспорт воситалари, асбоблар, техник воситалар ва зарур жиҳозлар билан белгиланган тартибда таъминлаш, шу жумладан: 1. Махсус планшетлар — 760 дона; 2. Ёнтақ микроскоплари — 830 дона; 3. Ҳудудий бошқармалар маъмурӣ биноларига, ўсимликлар карантини чегара масканларида инспекторлар фаолият кўрсатадиган жойларга видеокузатув мосламаларини ўрнатиш; 4. Электрон аҳборот тизими учун 2 комплект сервер харид қилиш; 5. «Дамас» русумли автомашина — 110 дона; 6. Фумигация гурухлари учун «Лабо» русумли автомашина — 15 дона; 7. Махсус автомашиналар — 56 дона; 8. Махсус юқ автотранспорт — 1 дона;	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
-----	--	--------------------------------	--------------------	--

47.	<p>Грант ва Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибида:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Термокамера — 12 дона; 2. Фумигация камераларида газ концентрациясини аниқлаш учун газ анализаторлари — 27 дона; 3. Фумигация объектларида герметизацияни аниқлаш учун газ анализаторлари — 27 дона; 4. Фумигация лабораторияси — 1 дона; 5. Автодозатор (фосфин фумиганти учун) — 28 та; 6. Махсус кийим-бош; 7. Фумигация гурухларини турли хил шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш; 8. Фумигантлар; 9. Фитосанитария сертификатлари; 10. Мониторинг учун кўп марта ишлатиладиган замонавий феромон тутқичлар — 30 минг дона; 11. Лаборатория жиҳозлари (7 та ҳудудий бошқармaga); 12. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимидағи Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида ҳалқаро стандартларга мос карантин питомнингини ташкил қилиш ва уни кичик лаборатория ва синов участкаси учун иссиқона билан таъминлаш, замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ва питомник учун қишлоқ ҳўжалиги техникаларини (трактор, юқ машинаси, тиркамалар, пуркагичлар ва ҳоказо) харид қилиш. 	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
48.	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Наманган вилоятлари ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларини лаборатория бинолари ва замонавий ускуналар билан таъминлаш.</p> <p>Таъминалаб биноларни асослантирилган лойиха-смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2023 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги
49.	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва унинг лабораториясини мукаммал таъмирлаш ҳамда зарур буюмлар, ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар режаси	2021 — 2024 йиллар	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 июлдаги
ПҚ-5185-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари — 14, улар таркибида:

Ўзбекистон Республикаси
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимидағи
Ўсимликлар карантини ва

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шахар)
бўлимлари (156)
Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) ўсимликлар карантини чегара масканлари(40)
Давлатлараро ўсимликлар карантини чегара масканлари (32)
Республика ичидаги автомобиль йўллари ўсимликлар карантини чегара масканлари (14)
Темир йўл станцияларида ўсимликлар карантини чегара масканлари (12)
Аэропортлардаги ўсимликлар карантини чегара масканлари (12)
Дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара маскани (1)
Почтамтдаги ўсимликлар карантини чегара маскани (1)

Ҳимояси и?мий-тадқиқот институти, унинг миңтақавий филиаллари — 6

«Биосифат» республика маркази


Республика агрокимёвий таҳлил маркази ва унинг худудий бўлинмалари — 13

Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 июлдаги
ПҚ-5185-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги марказий аппаратининг

ТУЗИЛМАСИ




Жами бошқарув ёдими 116 нафар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 июлдаги

ПҚ-5185-сон қарорига
4-ИЛОВА


**Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг
ТУЗИЛМАСИ**



Умумий ёдимлар сони — 67 нафар, шундан бошқарув ёдимлари сони — 26 нафар
Техник ва хизмат кўрсатувчи ёдимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 июлдаги
ПҚ-5185-сон қарорига
4а-ИЛОВА

**Вилоятлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимлар сони — 47—154 нафар, шундан бошқарув ҳодимлари сони — 26 нафар.

Умумий ҳодимлар сони — 911 нафар, шундан бошқарув ҳодимлари сони — 312 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи жодимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 июлдаги
ПҚ-5185-сон қарорига
46-ИЛОВА

Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг

ТУЗИЛМАСИ




Ходимлар сони — 124 нафар, шундан бошқарув юдимлари сони — 20 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи юдимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 июлдаги
ПҚ-5185-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шахар) бўлимларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимлар сони — 5 — 21 нафар.

Умумий ҳодимлар сони — 1 600 нафар.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.07.2021 й., 07/21/5185/0681-сон)